



# ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ ИМКОНИАТИ

**Мирзаҷўл воҳасида илгарилари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш катта муаммо эди. Юрт истиқлолидан сўнг бу илгариларнинг топди. Нафақат шаҳар, балки энг чекка қишлоқларда ҳам замон талабларига ўла жавоб берадиган бинолар қад ростлади. Ҳўш, экологик жиҳатдан энг оғир ҳисобланган Мирзаободда бу борадаги аҳвол қандай? Туманда истиқомат қилаётган қарийб 45 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси қай аҳволда?**

Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида туманда бўлдиқ, қилинаётган ишлар билан яқиндан танишдик. Илгарилари тумандаги 4-5 қишлоқдаги тиббиёт маркази бор эди. Уларнинг аксарияти эскириб қолган биноларда жойлашган бўлиб, мулақо шариога эга эмасди, дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Назиркул Каримов. Шу боис фаолиятимизда туб бурилишлар ясашига тўғри келди. Қисқа фурсатда 12 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб ишга туширилди. Бу масканларни малакали шифокорлар билан таъминлашга интилдик. ҚВПларимиз замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди. Шароитнинг яхшиланиши касалликларнинг чекинishiга олиб келди. Айниқса, болалар ўлими билан боғлиқ кўнгилсизликлар батамом барҳам топди. Бош шифокор тавсияси билан «Беруний» кўрғони сари йўл оламиз. Катта йўл бўйидаги мухташам бино таобат масканига

мўлжаллаб барпо этилибди. Муқаддасизни эшитган шифокор Махмуд Очилов бизни янги тиббиёт масканининг муолажа ва физиотерапия хоналарида яратилган шароитлар, қулайликлар билан таништирди. Этиборли жиҳати, қишлоқ врачлик пунктида тиббиёт кутубхонаси ташкил этилибди. Бу ердан тиббиётга дахлдор турли адабиётларни топиш мумкин. Кутубхонамизда тиббиётга оид оммабон рисоалар мавжуд, — ҳикоя қилади Махмуд Очилов. — Гапнинг сирасини айтганда, одамларнинг аксарияти шифо олишдан ҳам китоб олишга қизиқиб қолишган. Ахир вужудимизга касаллик чанг солмаслиги ўз қўлимизда. Буни ҳар бир одамга ташунирамиз. Зарур қўлланмалар билан таъминлаш имкониятини яратянимиз.

Дарҳақиқат, аҳоли билан тиббиёт ходимлари ўртасидаги муносабат ўз самарасини бермоқда. Худудда кўплаб учраётган турли ички касалликлар барҳам топди. Хусусан, ичбурғ, батулизм касалликлари тўқсон фоизга камайди. Муҳаббат Норкулованинг 4 нафар фарзанди

бор экан. Унинг эътирофи этишича, мавсумий касалликларнинг олдини олиш учун таобатдан озгина хабардор бўлиш кифоя. Айни вақтда туманда замонавий тиббиёт масканларини барпо этишга бўлган уриниш бир зум ҳам сусайгани йўқ. Жумладан, Турғун Аҳмедов номли маҳаллада қишлоқ врачлик пункти қурилиши поёнига етказилмоқда. Бу маскан қарийб бир ярим минг нафар кишининг оғирини енгил қилади. Яқин кунлар ичида иш бошлаш арафасида турган замонавий қишлоқда хориждан келтирилган тиббиёт асбоб-ускуналари ўрнатилди.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири**

# ТАДБИРКОР ОРЗУСИ

Танишим билан бозор оралар-камимиз, гиламлар сотадиغان жойда одамлар тўпланиб турганлигини кўрдик. Дарҳақиқат, бу ердаги моллар чинакам санъат намунаси эди. Гиламнинг тўқилиши, улардаги гуллар ҳеч қимми бефарқ қолдирмасди. Қайси мамлакатдан келтирилганлигини сўрадим. — Узимизнинг Норин туманидаги «Мирғизор» қишлоғида тўқилган, — жавоб қайтаришди бизга. — Йўғ-эй! — Ишонгимиз келмади. Сўраб-суриштирсак чиндан ҳам Жамилаҳон Тожибоева ташкил этган кичик корхона махсулоти экан. «Мирғизор» тумандаги қадимий қишлоқлардан. Аҳоли зич яшайди. Шу боис «Норин» ширкат хўжалиги ҳаммаи иш билан таъ-

минлашга қодир бўлмади қолди. Кўплар туман ва вилоят марказларидан иш топишган. Бошқалар ҳар йўл билан тирикчилик ўтказишади. Эраклар-ку амаллаб пул топишпти, лекин аёллар-чи? Чунки олдинлари хунармандчилик билан шуғулланганлар таъқиб остига олинарди. — Шурки: истиқлолдан сўнг одамлар бор хунар ва қобилиятларини ишга солиш ва шу йўл билан мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш, рўзгор тебратиш имкониятига эга бўлди. Биз ҳикоя қилганимиз бўлган Жамилаҳон Тожибоева ана шулардан бири. Жамила қишлоқда биринчи бўлиб Нилуфар номли кичик корхона очиги эришти. Бундан уч йил

олдин ишга туширилган тикувчилик корхонаси ўн нафардан ортиқ хотин-қизларга ўз ўрнини топишларига ёрдам берган эди. Кейинчалик кийим-кечак қўйқимиларидан елпигичлар, турли рўзгор буюмлари, кичкинтойлар учун қўғирчоқлар тайёрлаш йўлга қўйилди. «Косонсой-Текмен» қўшма корхонасининг очилиши тadbirkорни ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича навбатдаги қадам қўйишга илҳомланганди. Қўшма корхонага бориб гилам тўқиш жараёнини ўрганди. Бир қўғир қишлоқ қизларини бошлаб келиб, уларнинг янги хунарни ўрганишларига ёрдам берди. Чеварлик соҳасида ўзини кўрсатган, ташкилотчилиги билан танилган Зўҳраҳон Маматқуловани

## Истиқлол берган имкон

гиламчи қизларга сардорликка тайинлади. — Бу орада Хоразмга ҳам бордим, — дея ҳикоя қилади Жамилаҳон. — Аҳмадий бўл юрт ўзининг хонанда ва хофизлари билангина эмас, хунармандчилиги билан ҳам қўйил қолдирган. Шунинг учун мен у ердан кўп нарса ўргандим. Қайтди келгач, у ерда кўрганларимни гиламчи қизларга ўргатдим. Тадбиркорнинг орзулари, режалари бисёр. Аввало у хунармандчилик бўйича ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқчи. Тикувчилик бўйича ҳам, гилам тўқиш соҳасида ҳам бир қанча юмушларни амалга оширмоқчи.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири**

## Энг улуг ва энг азиз байрамимиз-мустақиллик шодиёналарига Қумқўрғонда ўзгача таралдуқ қурилимоқда. Байрамга тайёргарлик қириш ва ўтказиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган.

Дастурга мувофиқ марказидаги «Наврўз» истироҳат боғи ва «Алломиш» уйингоҳида тозалик ва ободончилик ишлари ниҳоясига етказилди. Истиқлол шуқуҳини ифода этувчи широрлар ва паннолар ўрнатил-

фсизлигини таъминлаш туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан амалга оширилди. — Бундан ташқари мустақиллик тантанаси ҳар бир хўжалик ва корхоналарда кенг нишонланади. Илғор ишчи-хондорлар, боқувчисини

ўтган бир йил ичида «Оққанчиғай» ширкат хўжалигида «Агрес» табиий газга улаш пункти қурилиши ниҳоясига етказилди. Хўжаликнинг «Каттақўл» маҳалласида 2 километр газ қувури тортилди. Йўлларга асфальт ётқизилмоқда. «Кўгани» маҳалласида эса 3 километрга тоза ичимлик суви қувури тортилди.

# СПОРТ КОШОНАСИ

## болаларга энг яхши совға

Байрамга қуй-қўшиқ, дилрабо рақслар ўзгача шавқ-заъқ бағишлайди. Шу ниятда туман маданият бўлимининг ходимлари томонидан намойиш этиладиган катта концерт дастурига тайёргарлик ишлари давом этмоқда.

Байрам тантаналарида иштирок этадиган чекка қишлоқлар аҳолиси учун махсус транспортлар ажратилди. Ярмаркалар ташкил этилиб, гўшт, полиз махсулотлари шаҳар аҳолисига етказиб берилди. Туман «Матлуботсавдо» ҳамда «Янгиерсавдо» хиссадорлик бирлашмалари томонидан кўчма дўкон, умумий овқатланиш нуқталари ташкил этилади.

«Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги 31-умумтаълим мактабига қўшимча 240 ўринли бино ҳашар йўли билан қурилди. 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Қумқўрғон шаҳридаги «Хуррият» ва «Бешқаҳрамон» маҳаллалари аҳолиси тўлиқ «зангори олов» билан таъминланди. Шаҳардаги «Бахт уйи» эса қайта таъмирланди. Нурмамат Мирзаев номли ширкат хўжалиги ҳудудидида «Уяс» ва «Балочин» маҳаллалари ҳам тўлиқ газлаштирилди.

Туманда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда болалар учун биринчи даражали спорт мажмуаси қурилиши давом эттирилмоқда.

«Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги 31-умумтаълим мактабига қўшимча 240 ўринли бино ҳашар йўли билан қурилди. 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Қумқўрғон шаҳридаги «Хуррият» ва «Бешқаҳрамон» маҳаллалари аҳолиси тўлиқ «зангори олов» билан таъминланди. Шаҳардаги «Бахт уйи» эса қайта таъмирланди. Нурмамат Мирзаев номли ширкат хўжалиги ҳудудидида «Уяс» ва «Балочин» маҳаллалари ҳам тўлиқ газлаштирилди.

Туманда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда болалар учун биринчи даражали спорт мажмуаси қурилиши давом эттирилмоқда.

**Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**



Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида мамлакатимизнинг барча жойларида кўплаб хайрият тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда Оққўрғон туманида бўлиб ўтган саховат тадбири ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Туман «Маҳалла» жамағатлари, иктомий таъминот ва халқ таълим бўлиmlари ҳамда «Покиза-М» фермер хўжалиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда истиқлолга тенгдор бўлган болаларнинг мўлжалли ўтказилди. Болаларга хўжалик томонидан қўшимча совғалар, ўқув кўрсаткичи ҳамда дарсликлар тўхфа этилди. **Суратда: «Покиза-М» фермер хўжалиги раҳбари А.Каримов болажонларга совғалар улашмоқда.**

**П.ЭРГАШЕВ олган сурат**

## Коровулбозор туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида «Обод маҳалла йили» дастурига биноан маҳалла кўни нишонланди.

### «МАҲАЛЛА КҮНИ»

Хўжалик бир неча йиллардан бери давлат олдидаги режаларни баҳара олмасди, — дейди хўжалик раиси Зокир Хусенов. — Бу йил эса катта хирмон кўтардик. Галла режаси ортиғи билан адо этилди. Маҳалла кўнига олти юз минг сўмдан ошмиқ маблағ ажратилди. Шунингдек, тантанادا маҳаллалар ёшларининг спорт мусобақалари ҳам ўтказилди. Уша кўни маҳалла ахлини кўнгилли дам олишларини таъминлаш мақсадида санъаткорлар таклиф қилинди. Уларнинг куй-қўшиқлари кеча фойдага фойда кўшди. Хўжаликдаги фермерлар ҳам кўл қовуштириб туришмади. Улар баҳоли қудрат қўлидан келганга кўмак беришди. Уша кўни маҳалладаги ҳам таъминланган оилалар хонадонларига кириб, ҳолаҳвол сўралди, ўқиски дилларни кўнгли обод бўлди.

«Обод маҳалла йили» дастури бўйича хўжалик марказида мўъжазгина уйингоҳ ишга туширилди. Бу ерда маҳалла ёшлари спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишди. Уйингоҳда спортнинг бир неча турлари бўйича тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилди. Хўжаликда теннис корти қурилиши ҳам бошлаб юборилган. Маҳалла спортчилари маҳаллалараро ўтказилган футбол бўйича туман биринчилигида биринчи ўринни эгаллашди. —Биз ёшларимизни барча спорт анжомлари ва энг замонавий спорт қиймилари билан таъминлаганимиз, — дейди З. Хусенов. — Шу кунларда маҳалламиз ёшлари кураш бўйича мусобақаларга қизгин тайёргарлик қиришмоқда. Ажабмаски, «Дўстлик» ширкат хўжалигининг ёшлари жаҳон ареналарида Юртимиз байроғини кўтаришса. Бу бизнинг умидимиз, орзу-истагимиздир. **«Туркистон-пресс»**

## Шарофат мактабдошим. Мендан бир синф юқори ўқиган. Юзи ширмой қулчадек сулув қиз эди. Орадан йиллар ўтди. Унинг ҳаётида бахтиёр кўнлар кўп бўлди. Ўқиски дамлар ҳам...

Хизмат юзасидан Қамашида бўлганимда, туман прокурори Бахтиёр Жўраев хомийлик муруввати ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Кейин эса «Меҳрибонлик уйи» раҳбари билан боғлиниб, уни хузурига таклиф қилди. Уртада биров фурсат вақт ўтди. Эшикдан саҳт-сумбати келишган, кўкиш рўмол танғиб, худди шундай рўмолни бошига солиб олган кўркам аёл кириб келди. Уни дарров танидим. Эски кадрдон — Шарофат! Кўкиш рўмол ўраганининг боиси азодор экан. Яқинда турмуш ўртоғи, туманда каттагина обрў топган шифокор Юсуф Жўраев дунёдан ўтибди.

Икки аёл, икки дугона дунёнинг бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқди. Кейин эса «Меҳрибонлик уйи»нинг дала ховлисига жўнадик. У «Чангак» қишлоғида жойлашган экан. Унғ томонда «Лангарад» маъузо оқиби ётар, соя салқин боғда ўйнаб юрган болалар кўринарди. Бехос «Ойжон!» деган нидо эшитилди. Сўнг болалар оломони дарёдан кечиб ўтиб, биз томон талпинди. «Ўттизга болам Яқкабғ туманидаги Улуғбек номли оромгоҳда дам олиб бугун уйга қайтишган» деди Шарофат овози товланиб. Яна қўшиб қўйди: «Согиниб кетишибди...» Болалар бир пасда

## Бор бўл, оқибат!

вона. Бу ерда 110 нафар турли миллатга мансуб болалар тарбияланмоқда. Уларга 51 нафар тарбиячи меҳр кўрсатишяпти. «Меҳрибонлик уйи»нинг фаолият кўрсатаётганига анча йиллар бўлди. Қанчадан-қанча ўқиски кўнглилар шу даргоҳда улғайиб, жамиятда ўз ўринларини топиб кетишди. Мисол учун, вилоят ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи Бахтиёр Чориев, шу тизим ходими Геннадий Кунцов, моҳир педагог Елена Леонова ва бошқалар шу даргоҳда катта бўлишган эди. Рўйхатни истаганча давом этириш мумкин. Бугунги кунда ҳам улар «Меҳрибонлик уйи»ни, азиз мураббийларини унутган эмас. Айниқса, Б.Чориевнинг меҳри бўлакча. У имкон қадар хомийлик қилиб туради. Байрамларда китоблар, ўйинчоқлар, кийим-кечаклар билан болаларнинг кўнглини олади. Воёга етган тарбияланувчиларни ўқишга, ишга жойлаштиришда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Бу йил 17 нафар ўсмир «Меҳрибонлик уйи» қошидаги Беруний номли ўрта мактабни битчириб мустақил ҳаётга учирма қилинди. Уларнинг ишга ва ўқишга жойлашишида Шарофат раҳбарлигидаги педагогик жамоа ҳамда олиҳим

## «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»ГА СОВЧИ КЕЛДИ

риб иш бошлади. Бунёднинг учратди. Ёшлар турмуш қиришга аҳд қилишди. Бунёднинг онаси тоғора кўтариб совчи бўлиб келди. Шарофат совчиларни илиқ қаршилади. Бўлажак қудагайига Олянинг фазилатлари ҳақида тўққилниб сўзлади. Кўп ўтмай «Меҳрибонлик уйи»да тантанали тўй бўлди. Унда туман ҳокимиятидан вакиллар, хомийлар ва тарбияланувчилар, куда-кудагайлар катнашди. Совғалар ҳам мўл бўлди. Келиннинг савига кўп қизларнинг ҳаваси келди. У иззат-икром билан сўзана-лар остида, куй-қўшиқлар оғушида Бунёднинг уйига кириб борди. Тўй ўқда ҳам давом этди. Шарофат раҳбарлигидаги қудалар давранинг тўридан жой олишди. Бундай мисоллар кўп. Бу ерда ўтказилаётган мучил, суннат тўйлар, тузилган кўнлар болажонлар ҳаётига қувонч бағишламоқда. «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган бола-

## Ижтимоий ҳимоя

### МУРАККАБ ШАРОИТДА ишловчилар учун

Йўл қурган элда азиз саналади. Шу боис соҳа вакиллари ўз фаолиятларини янада жонлантириб, автомобил транспортидан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида бир қатор амалий ишларни бажариб келмоқдалар. «Андижонавтоўй» давлат акционерияти бирлашма-си тасарруфидида умумий узунлиги 2459 километр автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, йил давомида транспорт воситаларининг ҳавф-хатарсиз қатновини таъминлашга ўз хиссаларини қўшиб келмоқда. Бирлашма таркибидида 14 та туман автомобил йўллар, кўприклардан фойдаланиш бошқармалари ва ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқарши «Андижонийўл» корхонаси, «Андижонийўл» қидирув институти ҳам бундай савобли ишлардан четда қолгани йўқ.


Бирлашма хизмат қилувчи йўллар жумласига ҳалқаро аҳамиятга молик 99 километр узунликидаги, 797 километр республика аҳамиятига, 861 километр вилоят ҳамда 702 километр маҳаллий аҳамиятга эга йўллар кирди. Умумийфойдаланувчидаги автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, юқори сифатли йўл хизматини кўрсатиш мақсадида вилоятдаги йўллар паст туркумдан юқори туркумга ўтказилмоқда, бутун республика аҳлига қулайлик яратиш берилмоқда, — дейди бирлашма раиси Рустам Қодиров. — Айниқса, «Тошкент-Ўш», «Фаргона халқа йўли», «Наманган-Ўчи-Пойтуғ-Андижон» қисмларида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Амалга оширилаётган ишларда асосий эътибор ётқизилаётган асфальт-бетон қоршиқсининг сифати, тегишли технологияларга риоя этилиши, монтаж қилинаётган ишларнинг талаб даражасида эканлигига қаратилмоқда. Бирлашма ходимлари Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, жаҳон андозаларига мос равишда таъмирлашга ҳам ўз хиссаларини қўшиб келмоқда. Вилоятда автомобил корхонасининг қурилиши, қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш кўпайганлиги, янги қўшма корхоналар сони ошганилиги сабабли транспорт воситаларининг қатновчи ҳам анчайин ортди. Шу сабабли бирлашма ходимлари автомобил йўлларида режалаштирилган таъмирлаш ишларини тез ва сифатли бажаришга интилоқдалар. Айни пайтда «Андижонавтоўй» бирлашмасида 1969 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Улардан 107 нафарини аёллар ташкил этади. Ишловчиларнинг меҳнат муҳозафаси, саломатликларини тиклаш ва дам олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Биргина жойри йилнинг олти ойи даврида меҳнатқиларнинг иш шариоитини яхшилаш мақсадида 590,5 минг сўм маблағ ажратилди. Зарарли иш шариоитида меҳнат қилаётган ходимлар муҳозафаси учун эса 3106 минг сўм сарфланди. Бундан ташқари пайванчани, чилангар, ўт ёқувчи касбиде ишланган ишчиларга махсус кийим-бош, бир маҳал сўт ва бепул тушлик берилмоқда. Ута зарарли иш шариоитида меҳнат қилаётган ходимлар учун меҳнат тавтилига қўшимча кўнлар, саломатлигини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Йил давомида икки мартаба тиббий қўриқдан ўтказиб турилибди.

«Меҳрибонлик уйи»га совчи келди. Шарофат совчиларни илиқ қаршилади. Бўлажак қудагайига Олянинг фазилатлари ҳақида тўққилниб сўзлади. Кўп ўтмай «Меҳрибонлик уйи»да тантанали тўй бўлди. Унда туман ҳокимиятидан вакиллар, хомийлар ва тарбияланувчилар, куда-кудагайлар катнашди. Совғалар ҳам мўл бўлди. Келиннинг савига кўп қизларнинг ҳаваси келди. У иззат-икром билан сўзана-лар остида, куй-қўшиқлар оғушида Бунёднинг уйига кириб борди. Тўй ўқда ҳам давом этди. Шарофат раҳбарлигидаги қудалар давранинг тўридан жой олишди. Бундай мисоллар кўп. Бу ерда ўтказилаётган мучил, суннат тўйлар, тузилган кўнлар болажонлар ҳаётига қувонч бағишламоқда. «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган бола-

**Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» муҳбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚўМИТАСИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗ  
АҲОЛИСИНИ ВА СОҶА  
ХОДИМЛАРИНИ ЭНГ УЛУҒ,  
ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ -  
РЕСПУБЛИКАМИЗ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
12 ЙИЛЛИГИ БИЛАН  
САМИМИЙ МУБОРАКБОД  
ЭТАДИ**



Давлатимиз салоҳиятини  
янада юксалтириш,  
иқтисодиётимизни йил сайин  
ривожлантириш йўлидаги  
улуғвор ишларингизда омад  
ва муваффақият  
хамиша ёр бўлсин!



**Инсон омили ва ижтимоий ҳимоя устувор  
даражага кўтарилган Ўзбекистонимизни  
гуллатиб-яшнатиш йўлидаги ишларингиз  
самарали бўлсин!**

# Қўшиқ байрами ғолиблари

Поитхатимизда Ватанимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигига бағишланган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» Республика танловига якунида...

Халқлар дўстлиги саройида маъмур танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим ва Гала-концерт бўлиб ўтди. Таъдбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирини Б.Қурбонов давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва саккизинчи марта ўтказилаётган маъмур танлов келажаги буюқ давлатимиз ва унинг бунёдкор халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбига мўқаддас Ватанини, истиқлолни кўз қорачиқдек асраб-авайлашга ундовчи юксак баъдий савиядаги мусиқа

асарлари ва қўшиқларнинг юзага келишига кенг имконият яратётганини таъкидлади. Мамлакатимизнинг бекиб-сахнаси бўлиб хизмат қилаётган бу байрам таъдбирлари нафақат янги асарларни, балки қўшиқчилик санъатида ўз муҳлисларининг маъру-муҳаббатини қозона олаётган умидли истеъдодларни кашф этмоқда.

Байрамда профессионал хонандалар билан бир қаторда, она-диёримизни мадҳ этиш истагида бўлган кўплаб ёш истеъдодлар - мактаб ўқувчилари, талабалар, ҳарбийлар иштирок этди. Бу галги танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар вақиллари, Маданият ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофиа, Ички ишлар вазир-

ликлари, қўмига ва бирлашмалар жамоалари фаол қатнашди.

Танловда қатнашган Ватанини улуғловчи мусиқа асарлари ўзининг жўшқинлиги, миллийлиги, кўтаринки руҳи, жойбадорлиги билан кўнчилиқда катта қизиқиш уюғотди. Бетактор ва ранг-баранг рақслар эса уларга ўзгача ғайб бахш этди.

Бердак номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг баъдий жамоаси ижросидаги Олтушбои Султонов шеъри ва Қодир Хилолов мусиқаси билан айтилувчи «Ўзбекистон танлима жоним» қўшиғи /Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги/ ҳамда Самарқанд вилояти Сибё туманидан Насиба Мирзохидова ижросидаги Неймат Бобоновор сўзи ва Мамажон Наимов мусиқаси билан айтилувчи «Ўзбекистон» қўшиғи /Маданият ишлари вазирлиги/ танловда биринчи ўринга лойиқ топилди.

# ТУРГАН-БИТГАНИ МЎЪЖИЗА

Шоҳмот ҳақида гап кетса, беҳитёр машур шоҳмотчи, марҳум Мамажон ака Мухитдинов ҳамда узоқ йиллар ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган, журналистлар устози Холбек ака Едгоров кўз олдимизга келади. Мамажон ака шоҳмот оламининг ҳақиқий пирини бўлганлиги боис муҳлислари кўп эди. Газеталарда чоп этилган мўъжиза уйин, аjoyиб комбинаториялар, шоҳмот тождорлари ҳақидаги мақолалари катта қизиқиш уйғотарди. У қайси газета таҳририятига кирмасин, зўр хурсандчилик ила қарши олишарди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси реклама ва эълонлар бўлимида фаолият юритиб келаётган Талъат Юсупов ҳам унинг ашаддий муҳлиси сифатида устозга тез-тез мурожаат қилиб турарди.

Холбек аканинг қизиқ одатларини ҳали-ҳали эслаб туришдади. Ишдан бўш вақтларида шоҳмот доналарини териб, муно-



ундади. Соат миллари кеч 23:00 ни кўрсатарди.

- Бемалол ўйнаётганим, уйингизга ўзим машинада элтиб қўяман, - дейди Холбек ака.

Раҳбарнинг гапини икки қилиш одобдан эмас. Уйин давом этаркан, олдатди ўзи ёқтирадиган қўшиқлардан бирини хирғойи қиладиган Холбек ака негадир тажаранг эди. Сабаби биринчи ўйин бой берилди. Иккинчиси ҳам ютқизилди. Уйин тугагач раҳматли Самар Нуров соатга ишора қилди.

Мўъжиза ўйинга ишқибозлик Талъат Юсуповга ҳам кўчган. У ёшлигида маҳалласи ёнгинасидаги маданият ва истироҳат боғида тез-тез бўлиб, шоҳмотчилар беллашуварини завқ билан томоша қиларди. Қўнларнинг бирда барчани доғда қолдирган меҳмон уни ўйинга тақлиф этди. Қанчалик ҳаракат қилмасин ёш шоҳмот ишқибози енгилди. Бироқ у билан донна суришган киши шоҳмот устаси Мамажон Мухитдинов эканлигини

**Ихлос**

билган, ўзида йўқ хурсанд бўлди. Шу-шу шоҳмот ўйинини журналистлар ўртасида тарғиб қилиш, қўни қизиқтирган мавзуда мақолалар ёзиш билан шуғулланди. Хамкасблар ўртасида қизиқарли мусобақалар ташкил этишга баҳоли қудрат ҳисса қўлди.

Бир воқеа асло ёдимдан чиқмайди. Марказий Осиёдаги биринчи гроемейстр Георгий Аъзамов иқтидорли матбуот ходимлари билан 20 та тахтада мусобақалашди. Ушунда 3 нафар журналист дуранг натижага эриша олди. Улар орасида Талъат Юсупов ҳам бор эди. Шундан сўнг Талъат ака турли мусобақаларда фаол иштирок этиб, яхши натижаларга эришди.

Шоҳмот журналистларининг энг севган ўйинларидан бири. Ҳозирги кунда мўъжиза ўйин ишқибозлари кун сайин қўлайиб бораётгани-ю, тарғибот-ташвиқоти ишларининг муттасил давом этётганига ҳам асли шу сабаб бўлса керак.

**А.МАННОПОВ**

# ҲОМИЙЛАР САҲОВАТИ

Иштирокилар учун соғлом турмуш тарзи кўн билан кирган. Улар ўз ҳаётларини спортга тасаввур этишмайдилар. Айниқса, республика Президентини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги Фармон ва қарорларидан сўнг аҳвол тубдан ўзгарди.

Митан кўрғонидagi «4 қаҳрамон» ҳўжжали қўрилиши жадал олиб борилаётган спорт мажмуаси ана шу савий-ҳаракатнинг амалдаги ижросидир. Янги комплексда усти ёпик баскетбол, волейбол, кураш, каратэ заллари бунёд этилаётганлиги билан ҳам диққатни тортади. Очик майдонда эса футбол, во-

лейбол, баскетбол, қўл тўти ўйин-гоҳлари ҳамда югуриш йўлақлари қўрилмоқда. Шунингдек, томоша-барлар учун ўриндиқлар ҳозирланмоқда.

**Тўхфа**

«Булдинг» ширкат қўрилиш корхонаси бошлиғи Абдураул Жўлибоннинг айтишича, сўрват ва сифатта катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, бригадирлар Нуриддин Мухаммадиев, Абдусамат Тиркашев, ишчилардан Султон Хўдйибердиев, Мухаммад Нурхўжаев, Ақтам Насруллаев ва хайдовчи Фахрид-

дин Умаровлар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ишчиларга яратилган шарт-шароитга хавас қилиш мумкин. Ҳомийлар томонидан, жумладан, иссиқ оқват ва нонушта бепул уюштирилмоқда.

«Митан-пхат» ҳўсдорлик жамияти, Митан савдо бирлашмаси, халқ таълими бўлими, «4 қаҳрамон» ширкат ҳўжалиги ва тумандаги бошқа ҳўжалиқлар қўрувчиларга мадждор бўлишмоқда.

Спорт мажмуи Ватанимиз мустақиллигининг ўн икки йиллик байрами арафасида келажагимиз воқислари бўлган болажонларга савга этилади.

**Зафар ЖўРАЕВ,**  
**«Ишонч» муҳбири**

XXI асрнинг энг муҳим саналарини белгилашда халқаро ЮНЕСКО ташкилоти савий-ҳаракати ҳам салмоқли бўлмоқда. Янги асрнинг дастлабки ўн йиллиги халқаро жаҳон маданияти ва савий-ҳаракати болалари манфаатлари йўлида аўрваонликка қарши кураш санаси деб эълон қилинишида ҳам ЮНЕСКО тақлифлари инобатга олинди.

**БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТНОМА**

Бу сана республика-мизда турли маданият тадбирлари доирасида нишонланмоқда. Бунда республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан махсус ишлаб чиқилган библиографик маълумотнома ҳам қўл келади. У «Ҳаётимизни ўз қўлимиз билан яратамиз», «Ижодий баркамолликка интилиш - ҳаёт мазмуни», «Юбилейлар - китоб, журнал ва газеталар» каби бир неча рўнларни ўз ичига олган.


Фойдаланиш лозим бўлган адабиётларга доир тушунича ва изоҳлар белгиланган саналарнинг кўнгилдагиқидек бўлишига ёрдам беради.

**А.АЛИЕВ**

Яқинда поитхатнинг «Жар» спорт мажмуида кикбоксинг бўйича биринчи очик «Ўзбекистон кубоги» мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозғистондан 400 дан ошиқ спорт усталари беллашдилар. «Ўзбекистон кубоги» очик турнирида жамоа ҳисобида биринчи ўрин қозғистонлик кикбокс усталарига насиб этди. Кейинги ўринларни эса Ўзбекистон ва Қирғизистон вақиллари қўлга киритди.

**Суратларда: мусобақа пайти**

**Мухаммад АМИН**  
**(Ўза) олган суратлар**



# Мавзуга қайтиб ҲАМ ЗИЁРАТГОҲ, ҲАМ СИҲАТГОҲ

яратилган шароит эса дам олувчиларни ранжитмоқда

Хоразмда аjoyиб бир тарихий обида, мўқаддас жой бор. Бу Богот тумани худудида жойлашган Қалажик қалъасидир. Қалъа атрофи чўқур кўл бўлиб, сувининг таркибида ундан ортиқ туз бирикмалари мавжуд. Қалъа Қушонлар даврининг тарихий обидаси ҳисобланиб, эрамиздан олдинги III-II асрларда қурилган, деб тахмин қилинади. Академик Яёқ Гуломов ўзининг илмий текширишларига асосланиб, бу ерда иккита катта ва кичик қалъалар бўлганлигини, катта қалъа Амударё сувининг тошиши натижасида йўқ бўлиб кетганлигини айтади. Кичик қалъа, яъни Қалажик сакланиб қолган.

Шунчалик одам тўпланадиган жойда заруратхона бўлмаса, қизиқ экан. Худди ибтидоий жамоа тузумига ўхшайди. Бир пайтлар қурилган ҳожатхоналарнинг гишталригача қўпориб кетишган...

Мақола натижаларини ўрғаниш мақсадида яқинда Богот тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Озод Ражабов ҳузурда бўлдим. Орадан икки йил ўтганга қарамадан у:

- Ишларни яхшилаш учун тадбир тузаямиз. Келгуси йилда амалга оширамиз, - дейишдан нари ўтолмайди.

Богот тумани санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори М.Жабборов ҳамроҳлигида Қалажик сийхатгоҳи ва зиёратгоҳида бўлдим. Табиий газ, тоза ичимлик суви келтирилмаган, ҳатто артезан кудуғи ҳам қазилмаган. Ҳожатхоналарнинг бетон пойдевори, харобаларигина кўзга ташланади. Бош шифокордан ҳеч бўлмаса, шу ерни тартибга солмаб сийзалар, - деб сўрадим. Тўғриси, эшитган жавобимдан хайратга тушдим.

Кумга тушган ҳар қандай ахлат бир соат ўтгач, зарарсизланиб қолади. Шунинг учун инфекция тарқалиш хавфи йўқ, - деди у.

Бир пайтлари хоразмликларни қўшмандан химоя қилган қалъа ичига 30-йилларда воҳанинг ватанпарварлари, зиёли, тадбиркорлари «қулқ» деган сохта айб билан қатл қилинган. Катагонга учраганларнинг суякларини яқинда ўлқашунослар томонидан аниқланиб, бошқа жойга қўрилди. Энди йўлб қўринг. Ана шундай тарихий обида, сийхатгоҳ қичқиндиҳонага айланиб ётса яхшими?

Одамлар қанчадан-қанча йўл босиб, дардида даво истаб, зиёрат қилиш мақсадида келадиган бу қадимжадоғи муаммолар қачон ечимини топади? Ҳар ҳолда у икки йил олдин қандай бўлса, шу ҳолича турибди. Раҳбарлар эса ваъда беришдан чарчашмаяпти.

**Эркин ЭРМАТОВ,**  
**«Ишонч» муҳбири**

Қалажик зиёратгоҳи - сийхатгоҳига Богот туман машина-трактор саройи ҳиссдорлик жамияти мўқаддас қалъага қўриқчилик қилмоқда. Қоракўм саҳроси оралиб мўқаддас қадимжадоғча равон йўл қурилган, электр токи келтирилган. Бу ерга бир кеча-кундузда мингдан ортиқ одам сийхат истаб, қўл сувида чўмилиб, қўмига қўмилиб, дам олиб кетади. Улардан табиийки, ҳиссдорлик жамияти хазинасига мўмай даромад келиб тургани ҳам аниқ. Ҳўш, бу ерда дам олувчилар учун қандай шароитлар яратилган? Дарвоқе, 2001 йилнинг 22-август кўни газетамизда «Тарихий обидага мўқаддаси шўми?» сарлаҳвали танқидий мақола эълон қилинган эди. Мақолада қайд этилгандек, қўлда дам олган кишиларнинг суякларини айнан келтирамиз:

- Қоракўм саҳросининг Қалажик қўли атрофида саксовуллар, бута ва ўтлар, доривор гиёҳлар йўқ бўлиб кетаётди. Сабаби зиёратгоҳга табиий газ келтирилмаган... - Зиёрат-

# Муносабат

маъноларига қаратамиз: 1. «Чанг - майда зарра, кўкун ҳолидаги тупроқ ёки бошқа моддалар; гард, тўзон. Кўчанинг чанги. Кўмир чанги. Қалин чанг. Чанг кўтарилди. Кўчанинг чанги босилди. Чангини қокмок. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас (мақол). 2. Чанг кўндирмаслик ёки (юқтирмаслик) - гард, доғ тегизмаслик, озода тутиш (Ўзбек тилининг изоҳли луғати) II жилд, 353-саҳифа, Москва, «Рус тили» нашриёти, 1981 й.)

Манбадаги илмий, адабий терминларнинг ҳаммаси «чанг»ни салбий бўёқли сўз эканлигини тасдиқлаб турибди. Энди Фигонийга: «Олим Бўри қайси чангда қолган» десак, у қандай жавоб қайтармасин ўз ҳақоратини оқломайди.

«Чангда қолиш» - ифлосланиш, ожизлик белгилари экани «Изоҳли луғат» мисолларидан ҳам кўриниб турибди.

Чангда қолишни бир юмшук ифодасини излаб, шoirига таскин беришни изламайлик, афсуски, бунинг иложи топилмади. Чўнки айтилган гап, отилган ўқ. Олим Бўрига қаратилган бу ҳақорат найзасида: «Ижодингни ҳеч ким ўқимайди, қилган меҳнатларинг самарасиз. Агар сенинг ижодинг орден-муновоир олар эдинг. Китоб ёзишдан сен фақат моддий манфаат кўрасан. Сенинг асарларинг ўқилмай чанг босиб ётади», - деган захри қотил борки, ҳасад-ўйлар ҳар доим чинакам талант қушанделари бўлиб қолганлар.

Афсуски, ўзбекчилик, юз-хотир, шахсий манфаат юзасидан баъзан кўра-баъла туриб, ҳақиқатни хаспшлаймиш. Мен ушбу фикрларимда ҳолисаниллоҳ ҳақиқатини кўзлаб, Олим Бўрига маънавий зарар етганлигини, «Моҳият» газетаси адолат чегарасидан чиққанигини қатъиян қоралайман.

Одамнинг юзи иссиқ. Агар Фигоний кимлигини билганимда балки андишага бориб «Ўзбекчилик» қиларимдим.

Биз Фарғоний, Бўхорий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюқ зотларнинг улуғ ишларини давом эттириб, мамлакат миқёсида маънавият ва маърифатимизнинг гуллаб-яшнаши учун кенг имкониятлар яратилган Мустақил Демократик тамойилларга асосланган Ватанда яшаймиш. Олимжон Бўриев ҳам мустақиллик кўйичси, ўз эътиқоғига собит, курашчан шoir. Ўзбек халқи ифтихори ва маънавий камолотининг тимсоли бўлиши юқорида зикр этилган улуғ шахслар ҳақида у ёзган асарлар адабиётимиз мулки бўлиб қолган бир пайтда, шoirини ҳурматлаш ўрнига инсонлик қадрини ёрга урсак уят эмасми?

**Боқижон ТўХЛИЕВ,**  
**филология фанлари доктори,**  
**профессор**

«Моҳият» газетасининг 2003 йил 13 июни сонидида эълон қилинган Абу Манҳақ Фигонийнинг 7 та туркум газалининг «Ғазал рақам уч-и шундай мактов билан бошла-нади»:

«Унутмаг май улус торих ичра қолорим бор,  
Юз йилларча яшаганим бу дўнбдан олорим бор».

Ғазал матласи мактов билан бошланиб, муаллиф лирик қаҳрамон устидан кула бошлади:

«Мен даҳоман бул сўзимни магар кимдир ёлгон деса  
Бурин борум, даҳомини солорим бор, солорим бор».

Муаллиф лирик қаҳрамонини масҳарга қилишни бир даража юқори кўтариб, сўзи-га ишонмаган одамни оғиз-бурнига урадиган безорига чиқариб қўяди.

«Ики «Хамса» битиб қўйдим, ана ута ёздурман,  
Алодида Ҳўжа Аҳроман қалам ўтулг - шарорим бор.  
Кўлқоп кийдим, панжа ургуи Навоийнинг панжасига,  
Неки битта, юз Алини йиқмоқликга мадорим бор» - дейилган байтлар Ўзбекистон Халқ шoirи Барот Бойқобилов шахсига қаратилганлигини, деган тахминий фикрга келтиради. Зеро унинг «Янги Хамса», «Ўзбекнома» асарлари ҳақида матбуотда ижобий ва салбий, зиддиятли чиқишлар бўлган эди. «Ҳожа Аҳрор» ҳақида ҳам Б.Бойқобилов асар ёзиб, улуғ аждоғига ўзини яқин тутгани ва Навоий ҳақида тўртта дoston битгани ушбу фикримизга далил бўла олади. Аммо кейинги байт бу фикрнинг инкор этади:

«Баянда тоғлар қуродурман ўзим биттон китобатдин,  
Чангда қолмиш Олим Бўри - мавнинг ўзга қаторим бор».

Сатирик-ҳажвий ғазал шoir Олим Бўри шахсига қаратилганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Муаллиф умумлаша образ сифатида асл мўлжалга газетхонларни қалғитиб «ижодий найранг» ишлатмоқчи бўлган. Энди масалани ойдинлаштириб, диққатингизни «Маърифат» газетасида «Аҳмад Фарғонийга айлаб хусумат, Муҳолифлар уни этгани гийбат» сарлаҳвали Олимжон Бўриев дostonидан берилган парчага қаратамиз. Тахририят номидан Олимжон Бўриев ҳақида шундай ёзилган: «Истиклол ижодкорларимиз ижодига шуқу бағишладилар. Жумладан, Олимжон Бўриев улуғ аждоғларимиз тимсолини ўзида мужассам этган «Расул ул-Жаббор» (сарвари олам - Мухаммад Пайғамбар); «Башар ул-анвор» (Имом Бўхорий, Аҳмад Фарғоний, аз-Замашарий уқлиги); «Саодат ул-ашьор» (Жомий ва Навоий); «Заковат ул-тождор» (Амир Темур); «Таворих ул-кибор» (Туркий сулолалар ёхуд Шохномаи туркий) дostonларидан иборат «Хамса»сини на-шарга тайёрладилар. Унинг «Туркий сулолалар...» ва «ал-Фарғоний»дан бошқа дostonларининг чоп этилганлиги китобхонларга маълум. Кўйида шoirнинг Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган «ал-Фарғоний» дostonидан боб эътиборингизга ҳавола этилмоқда».

Дoston парчасини муаллиф шундай лирик кечинчи билан тугатган:

«Тинимсиз айланар бу чарки сардуи,  
Ғибабатдан бир одам ҳар кун жиғархун.  
Биронинг оғзини пойледи биров».

Ҳасаду бахиллик ўртаб бовей,  
Ўзининг ишини қилса ҳар одам,  
Ками кўпи ила бўлғай муҳтарам.  
Тўрт кунилик оламда тоғайсан эъзоз,  
Олимжон чалғимай дostonини ёз.  
Насибангдан зиёда бўлмағай тортиқ,  
Оллоҳ берганидан топмасан ортиқ».

Шoir О.Бўриев расман «Хамса» ёзганлигини эълон қилган. «Чалғимай дoston ёзиш» билан овора бўлган шoir иккинчи «Хамса»ни ёзиб тугатганини; «Икки «Хамса» ёздим, жамини ўн дoston, Аларнинг бир қисмин айтаман эълон», - деб эътироф этган.

Булар уч китобдан иборат «Маснавийи нур», «Бехзод ва Ширин», 1999 йил 3 март «Тошкент оқшомини» (ва кўплаб газеталарда эълон қилинган), «Шохрўх» (эълон қилинмаган), «Фиръавн» («Хафтаном», 25.07.2002 йил), «Жалолиддин жасорати» 2000 йил «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган.

Албатта Олимжон Бўриевнинг ижоддаги қутилмаган муваффақиятлари айрим иши юришмаган шoirларда ҳасад туйғуларини уйғотиши мумкин эди:

«Неки унвои борин оқдим, нима бўпти манго Нўбил,  
Сўзни сўзга улар ўлсам минг тангага соторим бор» -

Юқоридаги: «Чангда қолмиш» дашном, ҳақорат иборасини атайин юмшатиш, унинг ёзган китоблари учун унвои берилмаганига таъна қилиш ҳамда шoirнинг ўз ҳисобидан нашр этган китоби «Жалолиддин жасорати» яхши даромад келтирганини кўролмасликдир.

«Мани четлаб ўтиб кетур мунаққидлар сўқол тишлаб,  
Тақриз битса тонкид айлаб кўр миллатдан оторим бор».

Олимжон Бўриев асарлари ҳақида матбуотда ижобий фикр билдирилгани элга маълум. У бир китоб чиқариб, қатор танқидчиларга тақриз ёздириб ўрнига кетадиган вақт ва сарф-ҳаражатни ҳам янги асар ёзишга йўналтиради. Агар асарлари муваффақият қозониб, танқид қилинмаса бунинг нимаси ёмон. Фигоний лирик қаҳрамонини:

«Ав Фигон, йи тўларин юз одамга бўлур ёстук,  
Даркор эмас манго зинҳор - мактов узра ёторим бор», - деб мактанаётиб, «қуз одамга бўлур ёстик», деган иборани келтирадигани, аслида бу ибора ўқилмайдиган китоблар ҳақидадир.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, ушбу ғазал шoir Олим Бўри шаънини ҳақоратлашга қаратилгандир. Ушбулар қандай ўз исботини топганини юқорида далиллар билан исботлаган эдик. Энди диққатингизни «чанг» сўзининг луғавий ва кўчма

# ИНСОН ШАЪНИ

ҳар нарсадан улуг

қилинмаган), «Фиръавн» («Хафтаном», 25.07.2002 йил), «Жалолиддин жасорати» 2000 йил «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган.

Албатта Олимжон Бўриевнинг ижоддаги қутилмаган муваффақиятлари айрим иши юришмаган шoirларда ҳасад туйғуларини уйғотиши мумкин эди:

«Неки унвои борин оқдим, нима бўпти манго Нўбил,  
Сўзни сўзга улар ўлсам минг тангага соторим бор» -

Юқоридаги: «Чангда қолмиш» дашном, ҳақорат иборасини атайин юмшатиш, унинг ёзган китоблари учун унвои берилмаганига таъна қилиш ҳамда шoirнинг ўз ҳисобидан нашр этган китоби «Жалолиддин жасорати» яхши даромад келтирганини кўролмасликдир.

«Мани четлаб ўтиб кетур мунаққидлар сўқол тишлаб,  
Тақриз битса тонкид айлаб кўр миллатдан оторим бор».

Олимжон Бўриев асарлари ҳақида матбуотда ижобий фикр билдирилгани элга маълум. У бир китоб чиқариб, қатор танқидчиларга тақриз ёздириб ўрнига кетадиган вақт ва сарф-ҳаражатни ҳам янги асар ёзишга йўналтиради. Агар асарлари муваффақият қозониб, танқид қилинмаса бунинг нимаси ёмон. Фигоний лирик қаҳрамонини:

«Ав Фигон, йи тўларин юз одамга бўлур ёстук,  
Даркор эмас манго зинҳор - мактов узра ёторим бор», - деб мактанаётиб, «қуз одамга бўлур ёстик», деган иборани келтирадигани, аслида бу ибора ўқилмайдиган китоблар ҳақидадир.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, ушбу ғазал шoir Олим Бўри шаънини ҳақоратлашга қаратилгандир. Ушбулар қандай ўз исботини топганини юқорида далиллар билан исботлаган эдик. Энди диққатингизни «чанг» сўзининг луғавий ва кўчма

**ISHONCH**

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**МУАССИС:**

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси**

**Тахрир хайъати:**

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: [Ishonch@dostlink.net](mailto:Ishonch@dostlink.net); [Ishonch1@dostlink.net](mailto:Ishonch1@dostlink.net)

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди -

**Манзил:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бўхоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетада 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақдаланди. Ғофсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарха.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 9274

Буюртма Г— 717.

1 2 3 4 5 6